

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1798-ҳадис

5126/1798 - وَفِي رِوَايَةٍ عَنْ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ امْرَأَةً جَاءَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ، جِئْتُ لِأَهْبَطَ لَكَ تَفْسِيْرَ إِلَيْهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَعَدَ النَّظَارُ إِلَيْهَا وَصَوَّبَهُ، ثُمَّ طَأْطَأَ رَأْسَهُ، وَدَكَرَ الْحَدِيثَ، وَقَالَ فِي آخِرِهِ: «أَتَقْرَؤُهُنَّ عَنْ ظَهِيرَ قُلْبِكَ؟» قَالَ: تَعَمْ، قَالَ: «اذْهَبْ فَقَدْ مَلَكُوكَهَا بِمَا مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ».

1798a/5126. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ўзимни сизга ҳиба қилгани келдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қараб, бошдан-оёқ разм солдилар. Кейин бошларини қуи солиб олдилар. Ўзи ҳақида ҳеч қандай қарор қилмаганларини кўргач, аёл ўтириди. Шу пайт у зотнинг саҳобаларидан бир киши ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар сизнинг эҳтиёжингиз бўлмаса, унга мени уйлантириб қўйинг», деди. У зот: «Бирор нарсанг борми?» дедилар. У: «Аллоҳга қасамки, йўқ, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. У зот: «Аҳлингга бориб, қара-чи бирор нарса топармикансан», дедилар. У бориб, сўнг қайтиб келди-да: «Аллоҳга қасамки, йўқ, эй Аллоҳнинг Расули! Ҳеч нарса топа олмадим», деди. «Бир темир узук бўлса ҳам қара», дедилар. У бориб, қайтиб келди-да: «Аллоҳга қасамки, йўқ, темир узук ҳам йўқ, эй Аллоҳнинг Расули. Лекин мана бу изорим бор, - Саҳл айтади: «Унинг ридоси ҳам йўқ эди» - шунинг ярми унга бўлақолсин», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У изорингни нима қилади? Сен кийсанг, унга ҳеч нарса қолмайди, у кийса, сенга ҳеч нарса қолмайди-ку», дедилар.

Ҳалиги киши ўтириди ва узоқ чўкиб қолди. Кейин ўрнидан турди. Унинг қайтиб кетаётганини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган эдилар, уни чақиришди. У келгач: «Сенда Куръондан нима бор?» дедилар. У: «Менда фалон сура, фалон сура, фалон сура бор», деб санади. У зот: «Уларни ёддан ўқий оласанми?» дедилар. «Ҳа», деди. «Боравер, сендаги Куръон эвазига сени унга (аёлга) эга қилдим», дедилар».



NUBUVVAT MARVARIDLARI